

I-бўлим. «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ ва унинг таркибидаги ташкилотлар тўғрисида қисқача маълумот

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги «Қишлоқ хўжалигида ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2640-сонли қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят «Қишлоқхўжалиқкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш марказлари негизида «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоят «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятлари ташкил қилинди.

Жамият манзили: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 38-уй.

Банк реквизитлари: АТБ «Ипотекабанк» Мехнат филиалида **20210000400688727001** ҳисоб рақамига эга. Банк коди: **00423**. СТИР **304413384**.

Жамиятнинг тизимидаги «Агрокимёҳимоя» ҲАЖларнинг асосий фаолият тури: улгуржи савдо фаолияти бўлиб, шунингдек ҳудудлар бўйича туманлараро ва туман филиаллари орқали минерал ўғитлар, кимёвий воситалар, дефолиантлар пахта ва бошоқли дон экинлари ҳамда зараркунандаларга қарши кураш воситаларига бўлган талабни ўрганиш, буюртмаларни умумлаштириш ҳамда пировард истеъмолчилар – қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқарувчилари билан минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини аниқ турларини етказиб бериш фаолиятларини ҳам юритади.

Шартнома асосида қишлоқ хўжалиқ корхоналарини, туманлардаги фермер ва дехқон хўжалиқларини минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий ва биологик воситалар, дефолиантлар, олтингугурт, тупроқ мелиорантлари ва бошқа кимёвий маҳсулот турлари билан таъминлайди.

Жамият тизимидаги барча «Агрокимёҳимоя» ҲАЖларга ажратиб берилган мол-мулк, айланма маблағлар мавжуд бўлиб, уларни сақланиши ва улардан оқилона фойдаланиш бошқарув раисларига юклатилган.

Ҳар бир “Агрокимёҳимоя” ҲАЖлар мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлиб, тугалланган баланс асосида иш олиб боради ва кунлик, ойлик, чораклик, йиллик маълумот ҳамда ҳисоботларни “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ бошқарувига тақдим қилади.

Жамиятнинг юқори бошқарув органи акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланиб, 5-нафар Кузатув кенгаши аъзолари ва 5-нафар бошқарув хайъати аъзолари фаолият кўрсатмоқдалар.

Жамият Кузатув кенгаши раиси: Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Мирзаев Зоир Тоирович.

Жамият бошқарув раиси: Ахунов Улуғбек Абдумуталович 2017 йилдан ушбу лавозимда ишлаб келмоқда.

Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги қонун ва устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши мутлақ ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустаснодир.

Жамият кузатув кенгаши 5 (беш) аъзодан иборат.

Жамият кузатув кенгаши аъзолигига, амалдаги қонунларга асосан жамият ягона акциядори йиғилишида 1 (бир) йил муддатга сайланади.

Жамиятни ягона акциядори йиғилиши томонидан тайинланадиган Бошқарув хайъати бошқаради ва жамиятнинг кундалик фаолиятига жавоб беради.

Бошқарув хайъати сон таркиби 5 (беш) кишидан иборат бўлиб унга – жамият бошқарув раиси, жамият бошқарув раисининг биринчи ўринбосари, жамият бошқарув раисининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, жамият бошқарув раиси ўсимликларни ҳимоя қилиш йўналиши бўйича ўринбосари ҳамда жамият бош юрисконсульти киради.

Жамият тафтиш комиссиялари 3 (уч) аъзодан иборат.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун амалдаги Қонун талалбларига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси сайланади.

Жамият ягона юридик шахс бўлиб унинг тизимида 13 вилоят “Агрокимёхимоя” АЖлар, 1 та МЧЖ шаклидаги “Агрокимёхимоя сервис” ҳамда юридик мақомига эга бўлмаган жами 14 та чигирткага қарши курашиш филиаллари мавжуд.

Жами вилоят “Агрокимёхимоя” ХАЖларда 833 дона 832911 тонна сиғимга эга бўлган минерал ўғит сақлаш шахобча омборлари, 428 дона 1078150 тонна сиғимга эга бўлган минерал ўғит сақлаш марказий омборлари мавжуд.

Тизимда ишловчилар сони 12976 нафарни, шундан бошқарув ходимлари 2023 нафарни ташкил этади.

Жамият тизимидаги ташкилотларнинг ҳуқуқлари:

Давлат буюртмалари ва тўғридан тўғри шартномалардан келиб чиқиб бажариладиган ишлар ва хизматлар хажмини белгилаш;

Юқори натижаларга эришиш, ҳамда жамият филиалларининг иқтисодий фойда олишлари мақсадида жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра ўз имкониятларини ва мулкларининг бир қисми билан бошқа хўжалик ҳамда жамиятларда иштирок этиш;

Жамият ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти туфайли олинadиган махсулот ва хизматларни фойда олиш мақсадида талаб ва таклифларни ҳисобга олган холда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет элларда валюта даромадлари олиш мақсадида реализация қилиш ва тегишли бухгалтерия ҳужжатларида акс эттириш.

Жамият тизимидаги ташкилотларнинг мажбуриятлари;

Бошқарув органлари, акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларини бажариш;

Жамият фаолиятига тегишли ахборотларни сир сақлаш.

Амалдаги қонун талабларига асосан жамият акцияларини қайтариб сотиб олишни талаб қилган акциядорлардан акцияларни бозор қийматида сотиб олиш, бунда бу қиймат жамиятнинг акцияларни баҳолашни ва қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўладиган ҳаракати натижасида қийматнинг ўзгариши ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади;

Белгиланган миқдорда соф фойда олиш режасини бажариш;

Жамият амалдаги қонун ҳужжатларига асосан бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

Жамият тизимидаги ташкилотларнинг балансида 2017 йил 1 декабрь ҳолатига жами 8499 дона техника воситалари жумладан, минерал ўғит ташиш ва агрокимёвий хизмат кўрсатиш ишларида 432 дона юк автомашиналари, 1964 дона тракторлар, 702 дона тиркамалар, 2553 дона пуркагич, 693 дона ўғит сепгичлар, 56 дона культиваторлар ва 339 дона бошқа турдаги техникалар, омбор хўжаликларида 90 дона юклагичлар, 23 дона махсус автомашиналар, 35 дона фекаловозлар, 5 дона теплавозлар ва 62 дона бошқа турдаги техникалар ҳамда 223 дона енгил автомашиналар, 4 дона автобуслар ва 10 дона бошқа турдаги техникалар мавжуд бўлган.

Жамиятларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун 2017 йилда жами 92652 млн.сўмлик 1469 дона шу жумладан, 71 дона юк автомашинаси, 260 дона трактор, 92 дона тиркама, 932 дона пуркагичлар, 55 дона ўғит сепгич ва 59 дона бошқа техника воситалари сотиб олинган.

II – бўлим 2017 йилда кутилаётган даромад, харажат ва олинадиган соф фойда.

2017 йил давомида “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ тизимидаги ташкилотлар томонидан сотиш ва хизмат кўрсатишдан жами тушган тушум 2 трлн. 77 млрд. 916 млн.сўмни ташкил этиб, шундан 1 трлн. 684 млрд. 898 млн. сўми етказиб берилаётган минерал ўғит, 308 млрд. 065 млн.сўм дефолиант ва кимёвий воситалардан, 12 млрд. 081 млн.сўм биолоботория хизматидан, 58 млрд. 590

млн.сўм агрокимёвий хизматлар кўрсатишдан, бошқа хизмат турларидан 14 млрд. 280 млн.сўмни ташкил қилди.

2017 йилда маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатишдан жами даромад 369 млрд. 930 млн.сўмни ташкил этиб, шундан 294 млрд. 615 млн.сўми етказиб берилаётган минерал ўғит, 46 млрд. 697 млн.сўм дефолиант ва кимёвий воситалардан, биолоборатория хизматидан 2 млрд. 331 млн.сўм, агрокимёвий хизматлар кўрсатишдан 16 млрд. 590 млн.сўм, бошқа хизмат турларидан 3 млрд. 347 млн.сўм, асосий фаолиятнинг бошқа даромадларидан 1 млрд. 767 млн.сўм ва молиявий фаолиятдан даромадларидан 4 млрд. 582 млн.сўмни ташкил қилди.

Жами харажатлар 250 млрд. 299 млн.сўмни ташкил этиб, шундан 233 млрд. 906 млн.сўми давр харажатларини ва 16 млрд. 393 млн.сўми молиявий фаолият бўйича харажатларни ташкил этиши кутилмоқда.

Жумладан давр харажатлари қўйидагилардан иборат, 129 млрд. 508 млн. сўми сотиш харажатларини, 59 млрд. 754 млн.сўми маъмурий харажатларни ва 44 млрд. 642 млн.сўм бошқа операцион харажатларни ташкил қилмоқда.

2017 йил давомида солиқ тўловига қадар олинадиган фойда 113 млрд. 948 млн.сўмни ташкил этиб, 107 млрд. 772 млн.сўм ягона солиқ тўловлари ҳисобланиб, 6 млрд. 176 млн.сўмлик соф фойда олиними кутилмоқда.

III – бўлим. 2018 йилда кутилаётган даромад, харажат ва олинадиган соф фойда.

“Ўзагрокимёҳимоя” АЖ тизимидаги ташкилотлар томонидан 2018 йилда қишлоқ хўжалик корхоналарига 1 трлн. 825 млрд. 768 млн.сўмлик минерал ўғитлар, 303 млрд. 899 млн.сўмлик дефолиант ва кимёвий воситалар етказиб берилади, шунингдек 14 млрд. 079 млн.сўмлик биолобаратория хизматлари ҳамда 58 млрд. 459 млн.сўмлик агрокимёвий ва 14 млрд. 072 млн.сўмлик бошқа хизматлар кўрсатиш режалаштирилган.

Маҳсулот сотишдан ялпи даромад 399 млрд. 990 млн.сўмни ташкил этиб, Шундан 329 млрд. 765 млн.сўми етказиб берилаётган минерал ўғит, 47 млрд. 477 млн.сўми дефолиант ва кимёвий воситалардан, 2 млрд. 631 млн.сўм биолобаратория хизмат кўрсатишдан, 11 млрд. 152 млн.сўм агрокимёвий хизматдан, бошқа хизмат турларидан 2 млрд. 906 млн.сўм, 2 млрд. 715 млн.сўми асосий фаолиятнинг бошқа даромадларидан ва 3 млрд. 343 млн.сўми молиявий фаолиятдан даромадларини ташкил қилади.

Жами харажатлар 278 млрд. 212 млн.сўмни ташкил этиб, шундан 264 млрд. 550 млн.сўми давр харажатларини ва 13 млрд 662 млн.сўми молиявий фаолият бўйича харажатларни ташкил этмоқда.

Жумладан давр харажатларининг 144 млрд. 301 млн.сўми сотиш харажатларини, 71 млрд. 326 млн.сўми маъмурий харажатларни ҳамда 48 млрд. 923 млн.сўми бошқа операцион харажатларни ташкил қилмоқда.

2018 йил давомида солиқ тўловига қадар олинадиган фойда 120 млрд. 285 млн.сўмни ташкил этиб, 113 млрд. 802 млн.сўм ягона солиқ тўловлари ҳисобланиб, 6 млрд. 528 млн.сўмлик соф фойда олиш режалаштирилмоқда.

“Ўзагрокимёҳимоя” АЖ аппарати харажатлар сметаси бўйича

МАЪЛУМОТ

2017 йил давомида “Ўзагрокимёҳимоя” АЖнинг дивидент кўринишидаги даромадлари 1621,5 млн.сўмни ҳамда юқори ташкилотни сақлаш бўйича ажратма кўринишидаги даромади 9010,4 млн.сўм жами даромадлари 10631,9 млн.сўм бўлиши кутилмоқда. 2018 йилда эса дивидент кўринишидаги даромадлари 1760,0 млн.сўмни ҳамда юқори ташкилотни сақлаш бўйича ажратма кўринишидаги даромади 13258,8 млн.сўм жами даромадлари 15018,8 млн.сўм бўлиши режалаштирилган.

2018 йил режалаштирилган харажатларни 2017 йил амалда кутилаётган харажатлар билан таққослаганда баъзи харажатлар 2017 йилга нисбатан ошганлиги кузатилмоқда. Жумладан иш ҳақи бўйича харажатлар 38 фоизга ошиши кузатилмоқда. Ташкилотнинг жамоат шартномасига асосан

мукофотлаш ва рағбатлантириш бандларига ўзгартиришлар киритилганлиги ҳамда йил давомида ҳукумат топшириғига асосан иш ҳақининг ошиши инобатга олинган. Жамият 2017 йилда “Ўзкимёсаноат” АЖ биносида ижара турган, 2018 йилга келиб жамият учун ҳукумат томонидан бино ажратилганлиги сабабли асосий воситалар амортизацияси харажати кескин ошишига сабаб бўлмоқда. Қолган харажатлар 2018 йилда инфляция ҳисобидан нархларнинг ошишини кўзда тутиб 10-15 фоиз ўсиш берилган.

2017 йилда соф фойда 569,9 млн.сўм бўлиши кутилмоқда. 2018 йилда эса ушбу кўрсаткич 629,4 млн.сўм бўлиши режалаштирилмоқда.